

## ЎЗБЕК -ИНГЛИЗ АДАБИЁТИДА АЁЛ СИЙМОСИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

**Рахимова Интизор Рустамовна**

Урганч Ранч технология университети доцент в.б, PhD

**Рахимова Умида Солиевна**

Урганч Ранч технология университети доцент в.б, PhD

***Аннотация.** Мазкур мақолада ўзбек ва инглиз адабиёти ёзувчилари асарларида аёл ва она тимсоли қиёсий таҳлил этилган. Ўзбек ва инглиз адабиёти намуналарида оналарда қайси миллат ва қайси ижтимоий давр онаси бўлишидан қатъи назар муштараклик ва умумийлик борлиги аниқланган. Турли хил асрларда ижод этган ўзбек ва инглизча ёзувчилари асарларидаги шу давр аёлларининг турмуш тарзи, ижтимоий ҳаётдаги мавжуд қийинчиликлар, оила муносабатлари ва оналарга хос умумий фазилатлари ўрганилган. Хусусан, ўзбек адабиёти намоёндаларидан Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фафур Фулом; инглиз адабиёти вакилларида В.Шекспир, Чарлз Диккенс, О`Брайн, Энн Энрайтлар ижодига мансуб асарлардаги аёллар ва она образлари очиб берилган. Шунингдек, ўзбек ва инглиз адабиётида турли хил хулқ-атворга эга бўлган аёллар сиймоси акс эттирилган бир қанча асарлар (роман, трагедия, ҳикоялар)дан парчалар келтириши орқали далилланган. Ижтимоий мавқеи паст, қадрсизланган, шахс сифатидаги эркинликлари топталган, хўрлик ва жабрдан азият чеккан аёллар тақдири билан бирга итоатгўй, қаноатли, ҳалол турмуш тарзини кечирган оналар тимсоли замонавий аёллар турмуш тарзидаги фаровонлик билан таққослаш ва мушоҳада қилиш учун кенг таҳлилга тортилган.*

***Калит сўзлар:** она, аёл, образ, миллийлик, умуминсоний қадриятлар, ўзлик ва шахсий сифатлар, таҳлил.*

## СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ЖЕНСКОГО ХАРАКТЕРА В УЗБЕКСКО-АНГЛИЙСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

***Аннотация.** В данной статье сравниваются образы женщины и матери в произведениях узбекских и английских писателей. На примерах узбекской и английской литературы определено, что образ матери имеет общие черты в произведениях независимо от того, какой национальности и какому социальному периоду принадлежит мать. В*

произведениях узбекских и англоязычных писателей, творивших в разные века, изучаются образ жизни женщин того времени, актуальные трудности в общественной жизни, семейных отношениях и общие качества матерей. В частности, среди представителей узбекской литературы Абдулла Кадыри, Чолпон, Гафур Гулам; Раскрыты образы женщины и матери в произведениях У. Шекспира, Ч. Диккенса, О'Брайена, Энн Энрайт, представителей английской литературы. Также это доказывается цитированием отрывков из ряда произведений (романов, трагедий, рассказов), в которых отражен образ женщин с разным поведением в узбекской и английской литературе. Образ матери, проведшей покорный, довольный и честный образ жизни наряду с судьбами женщин с низким социальным статусом, обесцененных, попираемых личных свобод, страдающих от унижений и страданий, был подвергнут обширному анализу с целью сравнения и наблюдения процветания образа жизни современной женщины.

**Ключевые слова:** мать, женщина, имидж, национальность, общечеловеческие ценности, личность и личностные качества, анализ

## COMPARATIVE ANALYSIS OF FEMALE CHARACTER IN UZBEK-ENGLISH LITERATURE

**Abstract.** *This article compares the images of women and mothers in the works of Uzbek and English writers. Using examples from Uzbek and English literature, it is determined that the image of mothers has common features in works regardless of the nationality and social period to which the mother belongs. In the works of Uzbek and English-language writers who worked in different centuries, the lifestyle of women of that time, current difficulties in public life, family relationships and general qualities of mothers are studied. In particular, among the representatives of Uzbek literature are Abdulla Kadiri, Cholpon, Gafur Gulam; The images of women and mothers in the works of W. Shakespeare, C. Dickens, O'Brien, Anne Enright, and representatives of English literature are revealed. This is also proven by citing excerpts from a number of works (novels, tragedies, short stories), which reflect the image of women with different behavior in Uzbek and English literature. The image of the mother who led a submissive, contented and honest life alongside the fates of women with low social status, devalued, trampled upon personal freedoms, suffering from humiliation and suffering, was subjected to extensive analysis in order to compare and observe the flourishing lifestyle of the modern woman.*

**Keywords:** mother, woman, image, nationality, universal values, personality and personal qualities, analysis

## **КИРИШ**

Дунёда шундай бир зот борки, унинг мадҳини, таърифини келтирмаган шоир, ёзувчи ёки рассом йўқ. Гўдакнинг наздида ягона химоячи, ҳалоскор ва ғамхўр бўлган ушбу зот барча миллатларнинг адабиётида бирдек тараннум қилинади. Англаганингиздек, бу она, аёл тимсолидир.

Ҳар бир миллат адабиётида учрайдиган аёл образи орқали шу миллатга хос бўлган хулқ-атвор, жамият қоидалари, оилавий ҳаёт муҳити, турмуш тарзи ва фаровонлик сингари хусусиятларни англаб олиш мумкин. Зеро, асардаги Она тимсоли асар ифодаланган даврдаги жамиятнинг ҳолати, ривож, моддий-маънавий қийинчиликлари, ижтимоий-сиёсий вазиятини яққол очиб беради.

## **ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Ўзбек халқи бадиий адабиётида ўзбек оналарининг сиймосини тасвирланишида ҳар бир ёзувчи ўзига хос услубдан фойдаланади. XX аср ўзбек адабиёти намояндалари томонидан яратилган асарларда шу даврдаги ижтимоий қийинчиликлар, оиладаги иқтисодий танглик, гендер тенглик масалалари, фарзанд тарбиясидаги зиддиятлар, жамият ва оиладаги қаноатли аёл ролини акс эттирувчи образларни кузатиш мумкин.

Ушбу мақолада ўзбек ва инглиз адабиётида турли хил хулқ-атворга эга бўлган аёллар сиймоси акс эттирилган асарларни таҳлилга тортамыз.

## **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР**

Ўзбек маърифатпарвари, жаҳид Чўлпон ижодида Она тимсоли орқали жамиятдаги ижтимоий мавқеи паст, ҳақ-ҳуқуқлари паймол этилган, қисмати аянчли хотин-қизларнинг дарду ҳасратлари ёритилган.

Чўлпон “Кеча ва кундуз” романидаги бош қаҳрамон Зеби образи тимсолида, соддадил, болаларча беғубор, эрдан маҳрум, қисмат ва ота-она райига бўйсунувчан хотин-қизларининг фожиявий тақдирини ёритади. Отасига итоаткор Зеби жоҳил отанинг хоҳишига асосан ёши ўзидан анча катта бўлган, беўхшов, хотинбоз мингбошининг завжаси бўлиб, мавжуд

жамиятнинг қурбонига айланади. Шунингдек, адиб “Кеча ва кундуз” романида фарзанд бахти учун ҳар нарсага тайёр, меҳрибон, самимий ғамхўр сингари ўзбек оналарига хос фазилатларга эга Зебининг онаси образини моҳирона тасвирлайди.

“Бу она қизининг саодатидан бошқа нарсани билмайдиган оналардан эди. Дунёда қандай яхшилик ва хайриятлик бўлса, ҳаммасини шу биргина кизи учун истар ва орзу қиларди”, -дея она образи ифодаланади.

Ушбу асарда нафақат она-фарзанд муносабатлари, балки турмуш ўртоғига итоатгўй, меҳрибон, оилапарвар, хотин-қизларнинг эрлари кўлига иқтисодий қарам бўлгани, эркисиз аёлнинг қисмати Қурбонбиби тимсолида бадий гавдаланади. Оиладаги муҳитни юмшатишда, барчанинг кўнглига бирдек йўл топишда ўзбек аёлига хос удабуронлик, самимият куйидаги парча орқали ифодаланади:

“Қурвонбиби — ўз эрини, Салти — қовоғидан доим қор ёғиб турган совуқ бир сўфини кўрарди. Бу булутли ҳавони очмоқ фақат онанинг вазифаси эди”.

Ижодкор асаридаги аксарият аёл образларида мазлума, куюнчак, фидойи, меҳр-муҳаббатга тўла аёллар тақдири акс эттирилади.

Ғафур Ғуломнинг “Менинг ўғригина болам” ҳикоясини мутолаа қилиб, ўзбек онасининг ўта даражадаги меҳрибонлиги ва меҳмоннавозлиги-ю, мурруватли, улкан қалб соҳибаси эканига гувоҳ бўлмаган китобхон бўлмаса керак.

Асарда ўзбек аёлининг шароит тақозоси билан ўғирликни касб қилган йигитга кўрсатган илтифоти ва раҳмдиллиги, оналарча ғамхўрлигини ёзувчи моҳирона тасвирлаб берган. Меҳмонни “қутлуғ уйдан курук кетишига” йўл қўймасдан, уйдаги борини илинган момо сиймосида ўзбек оилаларига хос меҳмоннавозликнинг яққол ифодасини кўриш мумкин.

“Ўғригина болам, ҳой ўғригина болам, ҳойнаҳой бирор тирикликнинг кўйида томга чиққан кўринасан, ахир касбинг нозик, тумов-пумовингни ёзиб чиқсанг бўлмайдими”, дейишининг ўзиёқ, бир она, бир

аёл сифатида момонинг “нозик касб эгаси”га кўрсатаётган ғамхўрлиги, унинг номақбул ишга нима сабабдан кўл ураётганини англашга ҳаракат қилаётганини билдиради.

Ғ.Ғулом “Менинг ўғригина болам” асарида халқнинг ўзига хос яширин дардларни шу зайлда ифодалайди.

Абдулла Қодирий ижоди, хусусан, унинг романлари миллий адабиётимизда миллатимизнинг маънавий-руҳий ҳаётини акс эттирувчи нодир мерос сифатида эътироф этилади. Қодирий асарларида “она”, “аёл” образлари орқали ўзбек оилаларининг турмуш тарзи, ўзбекона маросимлар, урф-одат ва қадриятларнинг ўзига хослиги ёрқин мисоллар орқали ифодаланган. Қодирий романларида акс этган миллий колорит, анъаналар, менталитетга хос иллатларни асардаги “аёл” образларининг руҳияти, хулқ-атвори ва ташқи кўринишларида кузатиш мумкин. “Ўткан кунлар” романида “куюқ жинггила кипрак”лари остидан “тимқора кўзлари” боқиб тургувчи, “қоп-қора камон, ўтиб кеткан нафис, қийик қошлари чимирилган-да, нимадир бир нарсадан чўчиган каби” кўрингувчи, “тўлған ойдек ғуборсиз оқ юз”лик ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги, марғилонлик Мирзакарим кутидорнинг қизи, Отабекнинг маъшуқаси Кумушбиби;

тошкентлик Олим понсадбошининг қизи, “ўн етти ёшлар чамалиқ, кулчалиқ юзлик, оппоққина, ўртача хуснлик”, Ўзбек ойимнинг диди билан ўғли Отабек учун танланган келини, Кумушнинг кундоши Зайнаб;

Юсуфбек ҳожининг хотини, эллик беш ёшларда; чала-думбул табиатлик, аммо эрига ўткирлиги билан машҳур хотин, унча-мунча тўй ва азаларга “кавшим кўчада қолган эмас” деб бормайдиган Ўзбек ойим “ўттуз беш ёшлар чамалиқ гўзал, хуш бичим бир хотин”, Мирзакарим кутидорнинг жуфти ҳалоли, яъни Кумушнинг онаси Офтоб ойим;

Офтоб ойимнинг онаси, етмишлардан ошган кампир Ойша буви каби турли ёшлардаги аёл образларини учратамиз.

“Хамманинг тушига «тўй» кириб чиқган” бир кечадан кейин хабарни эшитган “Кумушбибининг қора кўзлари жиқ ёшга тўлиб, кипраклари ёш билан беландилар”. Кумушбибининг дилидаги ғашликни кетказиш учун “Йиғлама бекачим, — деди Тўйбека, — биз биламиз сизнинг кўз ёшларингизнинг нимага эканин: эрлар сўйинганда кулсалар, сизга ўхшаш қизлар йиғлайдирлар; сизнинг йиғлаганингиз — қувонганингиз... Мени эрга берганларида сенга ўхшаш мен ҳам йиғлаган эдим, аммо ичимдан никоҳ кунининг тезроқ келишини кута-кута ўлган эдим”. Ушбу парчада ўзбек қизларининг гарчи оила қуришларидан хурсанд бўлсаларда, қувончини ўзига хос тарзда яқинлар-у, бегоналардан пинҳон тутишлари ифодаланади.

“Қизлар мажлиси — гуллар, лолалар, тўтилар, кумрилар мажлиси! Бу уйда — Кумушбибининг тоғасининг уйда қизлар мажлиси, гуллар мажлиси! Бу уйга ўттуз-қирқ чамалиқ қизлар йиғилганлар, йиғилишдан мақсад: қизлар ўзларининг энг латиф, энг гўзал бир аъзоларини бу кун хотинлик оламига узатмоқчидирлар. Бу узатиш мажлисини жонлик, руҳлик ўтказмак учун барча қизлар ўзларининг энг асил, энг нафис кийимларини кийиб, фавқулодда ясаниб, ҳусн оламини яна бир қат, яна бир қайта бежабдирлар. Агар бу уйга кириб, бу мажлис аъзоларини бир мартаба кўздан кечирсангиз, ҳозирданоқ айтиб қўйиш мумкин-ки, албатта эсингиз чиқиб кетар: — Бу гулми, кўҳлик? Йўқ наригиси! Ундан кўра буниси! Барисидан ҳам ўттаси!.. Ана шундай қилиб эсдан ҳам ажрарсиз, гул танлашда бир қарорга келалмай эл ичида кулгига ҳам қолурсиз, расво ҳам бўлурсиз.

Мана, мажлис аъзолари шунақангғи бир-бираридан ўтоқ малаклар, парилар эдилар”.

Парчада ўзбек қизларининг латофати ва гўзаллиги тараннум этилибгина қолмасдан, уларнинг иффату ҳаёси юксак даражада бўлган бир аъзоларини “хотинлик” дунёсига узатилиниши билан боғлиқ маросимлар ўзига хос услубда баён қилинади.



Шунингдек, инглиз адабиётида ҳам аёл ва она образининг бетакрор кифёси эрк, исён, болапарварлик, фидокорлик орқали намоён қилинади.

Жаҳон адабиётшунослигида В.Шекспирнинг даври, ҳаёти ва ижоди кенг ўрганилган. Шекспир яратган аёл ролларига назар ташласак, бу даврда аёлларнинг эркинлиги эркакларникига қараганда камроқлигини англаш қийинмас. Шекспир асарларида аёл ва она сиймоси турли хил қаҳрамонлар ва образлар орқали акс эттиради. Ёзувчи трагедияларида ҳаётда тўлақонли бахтиёрлик нашидасини суриш, муҳаббат ва озодлик учун курашда севгининг ғалабаси учун жамият тартиблари ва қоидаларини инкор этиш, муносабатларни ўзаро бир-бирини англаш асосида қайта куриш ғояси етакчилик қилади.

Жумладан, Шекспирнинг “Отелло”, “Қирол Лир”, “Ромео ва Жульетта” асарларида муҳаббати учун ота-онасига қарши чиққан, ўз ҳаёти ва иқболи учун ижтимоий муҳит, табақаланиш, синфий курашларга рўбарў келган аёллар образи таърифланади. Асарлардаги яширин никоҳ, турли даражадаги қасос ва қотилликлар, инсоннинг эрк ва туйғулари, умидлари учун кураш жараёнлари бошқа асарлардан фарқланади.

Маълумки, шоҳлар ва султонлар фарзандларини энагалар тарбия қилишган. “Ромео ва Жульетта” асаридан олинган қуйидаги мисраларда Жульеттанинг онасидек азиз бўлган энагасининг ўз фарзанди сингари севиб меҳр берган қизи тўйини кўриш орзусида эканлиги билдирилади.

*Nurse:*

*Peace. I have done. God mark thee to his grace,*

*Thou wast the prettiest babe that e'er I nursed.*

*An I might live to see thee married once,*

*I have my wish.*

“Энага

Аллақачон жим турибман, худо асрагур,

Ҳеч кимни ҳам сенча яхши боққан эмасман.-

Тўйингни ҳам кўрсам қолмас эдим армонда”...

Шунингдек, энагаларнинг амалдорлар фарзандларини нафақат тарбия қилиши балки ўз оқ сути билан вояга етказиши кўйидаги парчада кўрсатилган.

*Nurse:*

*Were not I thine only nurse,*

*I would say thou hadst sucked wisdom from thy teat.*

“Энага

“Мен-ку сенинг энагангман, яхши биламан:

Сутим билан эмиб олдинг ақлу фаросат!”

Шекспир даврида барча замонларда кузатилганидек, ёш қизларни эрта турмушга узатилиши жараёни мавжудлиги Жульеттанинг онаси Капулетти хоним сўзлари билан кўйидагича ифодаланади.

*LADY CAPULET: Well, think of marriage now. Younger than you*

*Here in Verona, ladies of esteem,*

*Are made already mothers. By my count*

*I was your mother much upon these ears*

*That you are now a maid. Thus, then, in brief:*

*The valiant Paris seeks you for his love.*

“Капулетти хоним

Ана шуни ўйлаб кўринг, ҳозирда қизим,

Веронада сиздан ёшроқ хонимлар борки,

Бирмунчаси она бўлди! Ҳатто мен ўзим-

Сизни тўққан чоғларимда сиздан ёш эдим.”

Жульеттанинг онаси Капулетти хоним қизидан ёшроқ пайтида аллақачон она бўлган. Афсуски, қизларни эрта турмушга чиқариш ва уларнинг оилавий ҳаётга тайёр бўлмасдан туриб фарзандли бўлиши сингари муаммоли ҳолат бугунги кунда ҳам жамиятда учраб туради.

Инглиз онасининг болапарварлиги ва меҳнатсеварлигини ўзбек оналари билан қиёслаш мумкин. Инглиз адабиётида она ва бола ўртасидаги тушунмовчилик, ўсмирлик ва ўспиринлик давридаги инқироз



муаммосини Чарльз Диккенснинг ижод намуналарига оид асарлардаги она тимсолида кузатиш мумкин.

Чарльз Диккенс томонидан яратилган асарларда аёл тасвирининг турли шакллари акс эттирилган. Шунини таъкидлаш керакки, ёзувчи яшаган давр ва у тасаввур қилган дунё бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, шу боисдан, муаллиф ўз ижодида Виктория аёлларини эътиборсиз қолдирмади. Аёлларнинг вафодорлиги, поклиги ва оиласига садоқати унинг аксарият асарларида ёритиб берилган. Чарльз Диккенс кўпинча ички давр деб эътироф этиладиган Виктория даври (1837-1901)нинг ёзувчиси сифатида аёлларнинг мукамал сиймо кўринишида тасвирланишини амалга оширди. Виктория даврида аёллар учун яхши яшаш осон бўлмаган, шу боисдан баъзи аёллар тирикчилик илинжида ўз номусини сотишгача боришган. Ч.Диккенс аёлларнинг шу даврдаги жамиятда қашшоқлик ва эркакларнинг нафси қурбони бўлганлигини яхши биларди ва адиб Виктория жамиятининг шафқатсизлигини “чўкиб бораётган аёллар”га нисбатан одамларнинг қарашларини “Оливер Твист” асарида танқид қилади.

Ч.Диккенс “Оливер Твист”да енгилтабиатлилик, ўғрилик, қиличбозлик ва бошқа мавзуларни ёритиб беради. “Оливер Твист” қаҳрамонларида персонажлар бир-биридан жуда фарқ қилса-да, уларнинг ҳаммаси битта умумийлик - ахлоқий муаммолар билан курашади. Виктория даврида яхши ахлоқ ва фазилатларга эга бўлиш айниқса аёллар учун жуда муҳим эди.

“Оливер Твист”нинг асосий аёл қаҳрамонлари - Агнес, Ненси ва Росе. Романдаги Агнес, Роуз ва Ненси образларида турли хил ижтимоий қарашлар ва ахлоқий хусусиятларга эга аёллар сифатида бир-бирига қарши қўйилади.

Ненси ва Агнес иккаласи ҳам тушкунликка тушган ва ҳақоратланган аёллар. Асарда Агнес тақдир тақозоси билан турмушга чиқмасдан туриб хомиладор бўлган ва руҳияти топталган аёл сифатида келтирилса, Ненси

енгилтабиатлилиги ва хушторлари туфайли қийинчиликка тушган аёл сифатида ёритилади. *“I’m in a life that has no hope for me. I’ve made my choices, but I can’t bear to see a child like Oliver suffer”*. Викторияликлар Ненси каби аёлларни қабул қилишмади, у хаётда йиқилган аёл сифатида тасвирланган, аммо у яхшиликларга тўла қалб эгаси. *“Society values gold and underrates brass, but brass has much more strength and practical use than does gold. Translated, this means that society values the angel-in-the-house, but a woman like Nancy is much stronger of character and provides more practical service”*. Ч.Диккенс Ненсини гуруч сифатида гавдалантиради, у олтиндан кучлироқ ва аҳамиятлироқ деб юқори баҳолайди. Ненси бақувват ва фаол бўлганлиги сабаб, унинг характери романдаги бошқа аёлларга қараганда анча кучли аёл бўлиб акс эттирилади.

Бироқ, Роуз - бу романнинг энг мукамал хоними. Диккенс уни фаришта, яхши ахлоқий қадриятлар ва меъёрларга эга бўлган аёл сифатида таърифлайди. *“I will never leave you, Oliver; you shall not be alone. I will always stand by you and help you find your way”*. Бу ерда Роузнинг Оливерга бўлган садоқати ва ғамхўрлиги акс эттирилган.

Эдна О`Брайен асаридаги она сиймосининг тасвири ўзига хос бой ва мураккаб бўлиб, бунда аёлнинг ижтимоий чекловлар ва шахсий кураш мавзуларига чуқур алоқадорлиги акс эттирилади. О`Брайеннинг оналар тасвири кўпинча ҳокимият, зулм ва шахсий эркинлик излаш масалалари билан кесишади. О`Брайеннинг роман ва ҳикояларида она образи зулм ва ижтимоий чекловлар остида қолишига қарамасдан, мослашувчан, ғамхўр, курашувчан, ички зиддиятларга нисбатан иродали, кучли аёл сифатида ифодаланган: *“Her hands were calloused from years of labor, yet her spirit remained unbroken. She would wake before dawn, tending to the animals and the hearth, always with a patience that spoke of love for her family, dreaming silently of a world where her daughters could choose their own destinies”*. Ушбу парча О`Брайен ҳикоясидаги она образининг икки томомламалигини кўрсатади – кучли ва сабрли, келажак авлодни тарбиялашда жамият

таъйиқларига бардош беради. Кейт каби образлар орқали роман анъаналарга боғлиқ бўлишига қарамай, мустаҳкам ва фарзандлари учун порлоқ келажакка умид қиладиган аёлларнинг кучини таъкидлайди.

Эдна О`Брайеннинг она образи мураккаб табиати, теран қарашлари билан ажралиб туриб, асарда зулм, шахснинг ўз ғоялари билан кураши, ижтимоий чекловларга нисбатан норозилик ҳисси акс этади. О`Брайеннинг асаридаги она тимсоли кўпинча аёлнинг ўзига хослиги, жамиятда ўз умидлари ва шахсий эркинликка эришиш билан боғлиқ кенгрок муаммоларни ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Эдна О`Брайен: “The Country Girls” (“Қишлоқ қизлари”) ва “The Little Red Chairs” (“Кичик қизил стуллар”) каби романларида О`Брайен анъанавий Ирландия жамиятида оналар дуч келадиган қийинчиликларни ёритади. Асарлардаги она сиймоси кўпинча шахсий норозилик, жамиятнинг умидлари ва бу қийинчиликларнинг фарзандларига таъсири билан курашади. О`Брайеннинг оналар тасвири Ирландия маданиятидаги аёлларнинг чекланган ҳуқуқи ва эркинлиги ва мустаҳкам иродасини акс эттиради.

Ирланд замонавий ёзувчиси Энн Энрайт ҳам ўз ижодида аёл ва она мавзусига қўл урган энг истеъдодли адибалардан бири. Унинг асарлари турли ёшдаги ҳам ижобий ҳам салбий аёллар бўлиб, ўз мақсадлари ва орзуларига эришиш йўлида курашаётган кучли образларлардир. Э. Энрайтнинг “*The Green Road*” романи бутун Ирландия романининг кўплаб анъанавий тасвирлари – оила, авлодлар ўртасидаги ришталар, мулк, мотам, ичкиликбозлик, тушунмовчилик, тарихий жароҳатлар сояси, ҳиссиз муносабатлар изтиробини сабр-тоқатли, аммо таҳқирланган она тимсолининг ҳис-туйғулари билан боғлиқ ҳолда қайта кўриб чиқади. “*The Green Road*” асари нафақат онанинг роли марказдалиги учун, балки Ғарб маданияти ва Ирландия жамиятидаги рамзий оналикнинг барча муаммоли томонларини бирлаштиргани учун ҳам кучли асар ҳисобланади. Розалин аёлликнинг кўплаб қарама-қарши архетипларининг қатъий орқага қайтиши

ва такрорланиши каби намоён бўлади: у айбдорликни ҳис қиладиган, фидойи ирланд онаси. Розалин – бир вақтнинг ўзида буюк она, аёл кучининг бемисл тимсоли. *“Rosaleen Madigan was a force to be reckoned with, a powerful matriarch who commanded respect and admiration. Her determination and unwavering love for her children propelled her forward, overcoming obstacles and shaping the course of their lives. Rosaleen's presence filled every room she entered, her strength radiating from within”*. У ўз ҳаёти ва тўрт фарзандининг ҳаётидаги мураккабликларни бошидан кечирар экан, Росалин улар билан ўзаро муносабатларида доимо сабр-тоқатни намоён этади. У фарзандларини диққат билан тинглайди, ҳукм қилмасдан олдин йўл-йўриқ кўрсатади ва ҳатто можаро ёки кескин муносабатлар даврида ҳам уларнинг ҳаётида доимий иштирок этади.

## **ХУЛОСА**

Ўзбек ва инглиз адабиёти намуналари билан танишар эканмиз, уларда оналар қайси миллат онаси бўлишидан қатъи назар муштаракликни англаш мумкин. Зеро, барча Оналар туйғулари, фарзандга бўлган муҳаббати, оилапарварлиги ва фидойилиги жиҳатидан ўхшашдирлар. Аёллар эрақдан кўра ғамга ва маҳзунликка нисбатан бардошли, метиндек иродаси билан машаққатларни енгишга қодир зот.

Аёлга, Онага хос бўлган ҳокисорлик, болапарварлик, ишонувчанлик ва самимият асрлар суронида янада сайқал топиб бораверади.

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Рахимова Интизор Рустамовна, БИР ГАПИМ БОР, SOLUTION OF SOCIAL PROBLEMS IN MANAGEMENT AND ECONOMY International scientific-online conference-2023, 24-27 бет
2. Rakhimova, U. S., & Alisherovna, B. S. (2024). THE SPIRITUAL STATE OF THE AGING MOTHER OF ANNE ENRIGHT'S "THE GREEN ROAD". *Science and innovation*, 3 (Special Issue 2), 94-98.

3. Solievn, R. U., & Iskandarovna, X. G. (2022). THE DEPICTION OF AGE IN ENRIGHT'S SHORT STORIES. *Journal of Positive School Psychology*, 7198-7202.
4. Salievn, R. U. (2022). The role of metaphors in the description of motherhood in anne enright's short stories. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 12(4), 208-213.
5. Umida, R. (2021). Femininity and Motherhood in the Work of Anne Enright. *Бюллетень науки и практики*, 7(3), 380-383.
6. Рахимова, У. С. ЭНН ЭНРАЙТ ҲИКОЯЛАРИДА ОНАЛИКНИ ТАСВИРЛАШДА МЕТАФОРАЛАР ЎРНИ. “ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАТСИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ” 7-ҚИСМ, 2021. В.21.
7. Salievn, R. U. (2018). Improvement of Effectiveness of Teaching Receptive Types of Speech Activity to the Students of Non-linguistic Universities. *MODERN PROBLEMS OF TOURISM AND ECONOMICS..... 100*, 173.
8. Pulatova, Z. A., & Rahimova, U. S. (2016). THE WAYS OF IMPROVING STUDENTS' ACCURACY IN WRITTEN COMMUNICATION. *International scientific journal*, 8.
9. Рахимова, У. С., Пулатова, З. А., & Рахимова, Ш. А. (2016). From Communicative Competence to Intercultural Communicative Competence: A New Proposal for Language Skills. *Молодой ученый*, (15-3), 9-11.
10. U.S.Rahimova. (2024). ENN ENRAYT ASARLARIDA AYOL RUHIYATI TADQIQI. O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti Kompravistika Ilmiy-uslubiy jurnali. 2-son. 103-113
11. Абдулла Қодирий, «Ўткан кунлар» Нашриёт: «ШАРҚ» НМАК Сана: 2014 йил.
12. Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, «Кеча ва кундуз» Нашриёт: «Ғафур Ғулом» 2018 йил.
13. <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/gafur-gulom/gafur-gulom-mening-ogrigina->

bolam-hikoya/